



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Confederation

Federal Department of Justice and Police FDJP  
State Secretariat for Migration SEM

ШВЕЙЦАРИЯДА  
ИШЛАШ

## Швейцария иммиграция мамлакати сифатида

Европа марказида жойлашган Швейцария узок иммиграция анъаналариға эга. Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ва сиёсий аҳволи сабабли кўп трансмиллий компаниилар Швейцарияда ўз қароргоҳлариға эга. Швейцариянинг машҳур университетлари уни тадқиқот ва тараққиёт етакчисига айлантириди. Швейцариянинг барқарор меҳнат бозори туфайли бу ёрда турли мамлакатлардан келган кўплаб одамлар яшайди ва ишлайди.

## Швейцарияда ИШЛАШ

Швейцарияда ишлашни хоҳлаган ҳар бир шахс ҳақ тўланадиган **ишга киришдан аввал ишлаш рухсатномасига** эга бўлиши шарт.


**Амал қиласидиган ишлаш рухсатномасидан ташқари,** виза олиниши талаб этиладиган шахслар учун мамлакатга кириш учун **амалдаги виза** талаб этилади (боғланиш қисмини кўринг).

## Швейцарияда ким ишлай олади?

Швейцарияда хорижий ишчилар учун икки даражали рухсатнома бериш тизими қўлланади:

**ЕИ/ЕЭСШ мамлакатлари фуқаролари** мөхнат бозорига кириш учун рухсат олишда устувор макомга эга.

**Бошқа барча мамлакат фуқаролари** (учинчи мамлакатлар фуқаролари) Швейцария мөхнат бозорига ЕИ/ЕЭСШ ҳудудидан келган хорижий ишчиларга қўшимча ишчилар сифатида киради ва улар бир қатор талабларга жавоб берини зарур:



## Учинчи мамлакатлар фуқаролари учун рухсат олиш мезонлари

1. ЕИ/ЕЭСШ мамлакатлари фуқаролари бўлмаган ишчилар Швейцарияда фақат юқори бошқарув лавозимларида, мутахассислар ёки бошқа малакали ишчилар сифатида ишлаши мумкин. Рухсатномалар фақат Швейцария-

НИНГ УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИДАН  
КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА БЕРИЛАДИ.

Олий таълим муассасасини тамомлаган ёки политехника даражасига эга ҳамда бир неча йиллик меҳнат тажрибасига эга шахс **малакали** ҳисобланади. Касби ёки мутахассислигига қараб, маҳсус техник тайёргарликдан ўтган ва бир неча йиллик меҳнат тажрибасига эга шахслар ҳам руҳсатнома олиши мумкин.

2. Хорижий ишчилар Швейцария фуқаролари (эркаклар ва аёллар) билан **бир хил маош ва бир хил меҳнат шароитларига** эга бўлишга ҳақли.
3. Учинчи мамлакатлар фуқаролари фақат мўлжалланган лавозимга Швейцария ёки ЕИ/ЕЭСШ фуқаролари мавжуд бўлмаган тақдирда ишлаш учун руҳсат олиши мумкин.
4. Швейцарияда учинчи мамлакатлар фуқароларига бериладиган ишлаш руҳсатномалари сони (максимал сони) чекланган.

## 8 кунлик руҳсатсиз ишлаш

Бир йил ичида саккиз кунгача тақдим этиладиган трансмиллий хизмат учун ишлаш руҳсатномасини олиш талаб этилмайди. Бироқ, мамлакатга кириш учун виза талаб этилади. Илтимос, тегишли виза шартларини текширинг. Айрим соҳаларда (айниқса эротик кўнгил очиш соҳасида) ишлаш руҳсатномаси **биринчи кунданоқ** талаб этилади. Илтимос, ишлаш руҳсатномаси талаб этиладиган ҳудуддаги ваколатли идорадан ўзингиз билиб олинг (боғланиш қисмини кўринг).

## **РУХСАТНОМАСИЗ иш йўқ**

Швейцарияда ишлаш рухсатномасисиз ишлаётган ҳар бир шахс **жазога тортимиши лозим бўлади** (бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима солиш). Худди шу қоида чет эл фуқаросини ишлаш рухсатномасисиз иш билан таъминланган шахс учун ҳам амал қиласи.

Швейцарияда ноқонуний тураётган ҳар бир киши Швейцариядан **чиқариб юборилиши** ҳамда Шенген ҳудудига **кириши тақиқланиши лозим бўлади**.

### **Ишлаш рухсатномаси учун ҚАНДАЙ ва ҚАЕРДА ҳужжат топшириш керак?**

Швейцарияда ишлаш рухсатномасини олиш учун иш берувчилар (эркаклар ва аёлар) жавобгар. Улар меҳнат бозори ёки тегишли кантоннинг миграция идораларига ариза топширади. Ушбу идоралар умумий жараён ва топшириладиган ариза ҳужжатлари хақида маълумот беради.

Иш берувчингиз билан **муаммоларга** дуч келган бўлсангиз, қуйидаги алоқа **марказлари** билан боғланинг:

■ [www.ch.ch](http://www.ch.ch)

- Work → Employment law
- Labour disputes: Who to contact

■ ваколатли кантон идоралари

## **Боғланиш**

**Мамлакатингизда Швейцария**

**ваколатхонаси**

[www.eda.admin.ch](http://www.eda.admin.ch)

→ Representations and travel advice

**ЕИ/ЕЭСШ мамлакати фуқароси бўлмаган**

**шахслар учун ишга жойлашиш бўйича**

**қўшимча маълумот**

[www.sem.admin.ch](http://www.sem.admin.ch)

→ Entry & Residence → Labour / Work permits

→ Non-EU/EFTA Nationals

**Мамлакатга кириш ва визалар бўйича**

**қўшимча маълумот**

[www.sem.admin.ch](http://www.sem.admin.ch)

→ Entry & Residence → Entry

**Кантон ҳукумати**

[www.sem.admin.ch](http://www.sem.admin.ch)

→ About us → Contact → Cantonal authorities

→ Cantonal immigration and labour market authorities

**Ноқонуний ишлаш: Иқтисодиёт ишлари**

**бўйича давлат котибияти**

[www.seco.admin.ch](http://www.seco.admin.ch)

→ Topics → Labour: Travail au noir / Schwarzarbeit

**Швейцария ҳақида умумий маълумот**

[www.ch.ch](http://www.ch.ch)

[www.admin.ch](http://www.admin.ch)